

СУД-ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АСОСЛАРИНИ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Каримов Ифтихор Ибрагимович

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси.

Аннотация: Ушбу мақолада суд-тергов органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, жиноят ишларини юритишнинг процессуал асосларини, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари ёритилди.

Калит сўзлар: суд-тергов органлари, ҳуқуқ, эркинлик, ҳимоя, конституция, “Хабеас корпус”, фуқаро, кадр-қиммат, адолат, қонун.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.08.2020 йилдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони қабул қилинган.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар муурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият деб эълон қилинган¹.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид 70 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилган, уларга риоя этилиши масалалари бўйича эса БМТнинг тегишли қўмиталарига 30 дан ортиқ миллий ҳисоботларни тақдим қилган².

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 13-модда. 30.04.2023 йил. <https://lex.uz/docs/6445145>

² Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. <https://uza.uz/uz>

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, прокуратура, адлия, ички ишлар органларини ўз ичига олган миллий институтларнинг уйғун тизими фаолият кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар тизимли асосда кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 18-моддаси (фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш)га кўра, жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт.

Ҳуқуқшунос олим А.А.Матчановнинг фикрича, жиноят ишига жалб этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади³.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, “Хабеас корпус” институтини қўллашни кенгайтиришни назарда тутувчи 50 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Судлар томонидан жиноят ишларини кўшимча терговга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва ҳолисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига

³ А.А.Матчанов Уголовно-процессуальные особенности гарантии обеспечения прав участников расследования в розыске скрывающихся преступников // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Респ. илмий-амалий конф. мат-лари – Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. – Б. 198.

салбий таъсир кўрсатиб, аҳолининг асосли эътирозига, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг холислигига ишончи пасайишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан асосий мақсади суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларнинг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлашдан иборат бўлган “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддасига мувофиқ қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат раҳбари ўз Фармонида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътиборини мазкур талабларга қатъий ва оғишмай риоя этиш зарурлигига қаратди.

Қайд этилган органлар процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан олинган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далиллар сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди. Бундай қонун бузилиши ва рухсат этилмаган услублар орасида, биринчи навбатда, қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйик, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турлари қайд этилган⁴.

Фармон билан Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланмоқда. Процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги таъкидланди.

Қонунчиликда мавжуд бўшлиқни ҳисобга олган ҳолда, шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ва ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган ҳолатларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатувлар беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун жиноий жавобгарлик

⁴ Б.А.Саидов. Ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш. Диссертация иши. ИИВ Академияси, 100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68.

киритилмоқда. Шунингдек, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг қатор қўшимча қафолатлари киритилмоқда.

Хусусан, сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахсга тегишли ваколатли органга келтирилган вақтдан бошлаб 72 соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қийноққа солганлик ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқиш мақсадида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатларни прокуратура органлари ёки суд томонидан мажбурий текшириш киритилмоқда. Текшириш ўтказишда тиббий экспертиза тайинланиши шарт⁵.

Асосий процессуал ҳаракатларни мажбурий видео қайд этиш далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда қонунийлик ва ҳолисликни таъминлашга қаратилган муҳим янгиликлардан ҳисобланади. Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, шунингдек, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва тергов эксперименти бундай ҳаракатларга киритилди.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтга қадар ҳимоячи далиллар эмас, балки далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ҳуқуқига эга бўлган, бу судда ишларни юритишда тортишув принципи бузилишига олиб келар эди. Шунинг учун, ҳимоячига жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши шарт бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқи берилади.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг қонунийлигини таъминлашда прокурорга муҳим вазифалар юкланиб, у озодликдан маҳрум қилинган, қамоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоқ қўлланилган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш ҳақидаги қонун талабларига риоя этилишини мажбурий тарзда текшириши шарт.

Шунингдек, прокурорга мазкур шахслар ёки уларнинг яқин қариндошларига психологик ёхуд жисмоний таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик, уларнинг жавобгарликдан озод этилиши юзасидан чалғитилганлиги бўйича чоралар кўриш ҳам юклатилмоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга интизомий жазо чораси қўлланилишининг қонунийлиги прокурор текшируви билан қамраб олинади. Бу маҳкумлар томонидан

⁵ Ўзбекистонда қийноққа солганлик ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби кучайтирилади. <https://daryo.uz/k/2017/11/30/>

қоидабузарлик содир этилганлиги баҳонаси билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлиши мумкин бўлган суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш имконини беради.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритиладиган тегишли қонун лойиҳасида ўз аксини топади.

Қайд этилганлардан ташқари, ваколатли органларга ташкилий характердаги қатор топшириқлар берилмоқда.

Хусусан, тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, махсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойларида видеокузатув воситаларини ўрнатиш топширилган.

Илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, жумладан “Электрон жиноят иши” тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг амалга оширилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари фаолиятида тизимли қонун бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш имконини беради, шунингдек, суд-тергов фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз ва оғишмай риоя қилинишини таъминлайди.

Инсон ва фуқароларнинг одил судловга эришишининг давлат томонидан таъминланиши муҳим конституциявий ҳуқуқлардан бири ҳисобланади. Бунда, одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам самарали чоралар тизими талаб этилади. Бироқ, бу йўналишда тўлиқ зарурий соҳавий қафолатлар мавжуд эмаслиги жиноят процессини янада такомиллаштириш заруриятини кўрсатади.

Қайд этиш жоизки, Суд-тергов органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлаш, жиноят ишларини юритишнинг процессуал асосларини, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари юзасидан суд-тергов идораларида терговга қадар текширув ва тергов иши бўйича тарафлар бўлиб ишда иштирок этаётган 60 дан ортиқ фуқаролар ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровнома натижаларига кўра қуйидаги натижалар келиб чиқди:

⁶ М.А.Садиков. Замонавий юридик амалиётда “legal tech”нинг ўрни ва роли. ҳуқуқий тадқиқотлар журнали | Журнал правовых исследований journal of law research №6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-6>

Респондентлардан “терговчиларнинг инсон ҳуқуқлари таъминлаш соҳасидаги билимлари етарлими” деган саволга 10 фоизи етарли эмас, 78 фоизи етарли ва 12 фоизи жавоб беришга қийналаман деб жавоб берган.

Шунингдек, “Жиноят иши доирасида айбланувчи ёки жабрланувчи сифатида иштирок этишингиздан олдин ҳуқуқ ва мажбуриятларингиз тушунтирилдими?” деган саволга иштирокчиларнинг 68 фоизи амалдаги ЖПК талаблари асосида тўлиқ тушунтирилганлиги, 19 фоизи қисман тушунтирилганлиги, 5 фоизи умуман тушунтирилмаганлиги ва 8 фоизи тушунтирилмаган бўлса-да, лекин баённоманинг тегишли қисмига имзо қўйиб бериш билан чекланганлигини маълум қилган.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, мазкур масалада ҳолат қониқарли. Бироқ шу билан бирга, айрим терговчилар томонидан жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари етарли даражада тушунтирилмаётганлиги ҳамда айрим тергов ва процессуал ҳужжатларга фақат имзо қўйдириш билан чегараланаётганлиги, мазкур масалага янада жиддий ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, “Терговга қадар текширув босқичида (*жиноят иши қўзғатилгунига қадар*) қандай ҳуқуқларингиз борлигини биласизми?” деган саволга иштирокчиларнинг 47 фоизи ҳуқуқларини билишини, 32 фоизи қисман билишини, 12 фоизи умуман билмаслигини ва 9 фоизи терговчи томонидан тушунтирилганидан сўнг билганлигини маълум қилган.

Ўтказилган таҳлиллардан маълум бўлдики, терговга қадар текширув босқичида шахсларнинг процессуал мақомига ойдинлик киритиш, яъни ариза билан мурожаат этган шахс, жиноятдан жабр чеккан шахс, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ўтказилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ва уларни тергов органлари томонидан тўлиқ таъминланишига доир тегишли талабларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКда акс эттириш зарур.

“Сизга нисбатан тергов органлари томонидан қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлар содир этилса, кимга ёки қайси органларга мурожаат этишни биласизми?” деган саволга респондентларнинг 44 фоизи қайси органларга мурожаат этишни билиши, 30 фоизи билмаслиги, 10 фоизи тергов органининг раҳбариятига, 11 фоизи прокуратура органларига ва 14 фоизи судга мурожаат этишини маълум қилган.

Бундан ташқари, респондентларга “тергов органида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган баннер, буклет ва бошқа манбалар етарлими?” деб берилган саволларга, уларнинг 9 фоизи етарли эмас, 48 фоизи етарли даражада, аммо бошқа (кирил

ёки лотин) алифбосида, 9 фоизи етарли, лекин уларни тушуниш қийинлиги ва 34 фоизи бу масалаларга эътибор бермаганлигини маълум қилган.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, мазкур сўров натижалари фуқароларга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, балки оммавий ахборот воситалари ва интернет ижтимоий тармоқлари орқали ҳам кенг тушунтиришлар олиб бориш лозимлигини кўрсатди. Шу билан бирга, фуқароларнинг муурожаатларини ижтимоий тармоқ орқали ҳам қабул қилиш амалиётини кенгайтириш зарур.

Шунингдек, “Ҳимоячи (адвокат) ким эканлиги ҳақида маълумотга эгамисиз?” деган саволга 82 фоизи маълумотга эгалиги, 11 фоизи маълумотга эга эмаслиги ва 7 фоизи жавоб беришга қийналишини маълум қилган.

“Ҳимоячи (адвокат) таклиф этиш, унинг ёрдамидан фойдаланишга доир ҳуқуқингиз тушунтирилдими?” деган саволга респондентларнинг 85 фоизи тўлиқ тушунтирилганлиги ва фақат 15 фоизи қисман тушунтирилганлигини айтиб ўтган.

Маълум бўладики, тергов амалиётида шахснинг ҳимоячи ёки адвокат олиш ҳамда унинг юридик ёрдамидан фойдаланишини таъминлаш билан боғлиқ ишларимизни янада фаоллаштиришимиз зарур экан. Фикримизча, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 ва 28-моддалари ҳамда ЖПКнинг 224-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ҳар бир шахсга унинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳимоячига эга бўлиш ҳамда қандай ҳолатларда бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи адвокат (вакил) хизматидан фойдаланиш мумкинлиги тушунтирилиши зарур.

Шунингдек, респондентлардан “тергов давомида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилмаслигини таъминлаш учун нималарга эътибор қаратиш зарур?” деб сўралганида уларнинг 11 фоизи жабрланувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш, 14 фоизи терговнинг ошкоралигини таъминлаш ва 56 фоизи тергов фаолиятида ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланишни янада кенгайтириш, 12 фоизи идоравий-процессуал назоратни кучайтириш, 5 фоизи суд назоратини ва 2 фоизи прокурор назоратини кучайтириш лозимлиги тўғрисида маълум қилган.

Қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда Ўзбекистон ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида ижобий ислоҳотлар амалга оширилаётгани, энг муҳими, ана шу шиддатли ўзгаришларнинг марказида инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи тургани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам таъкидланмоқда. Хусусан, мамлакатда гендер тенгликка эришиш, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим ютуқлар қўлга киритилгани юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, мамлакатда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилгани сабабли «Cotton Campaign» томонидан ўзбек пахтасига нисбатан бойкотнинг бекор қилингани, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотларнинг самараси ўлароқ юртимизга Европа Иттифоқи томонидан «GSP+» бенефициари мақоми тақдим этилгани фикримиз далилидир. Жорий йилда юртимизга ташриф буюрган БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолкер Турк Ўзбекистоннинг гендер тенглигини тарғиб қилиш, суд органлари мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашдаги ютуқларини юқори баҳолади. Айниқса, Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотнинг устувор тамойиллари ва ғоялари БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларининг “Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” шиори билан ҳамоҳанг эканлиги жаҳон афкор оммаси томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Бу муҳим жараён Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида дунёдаги нуфузли халқаро ташкилот – БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолиги даврида кечаётгани жорий ислоҳотларнинг аҳамиятини янада оширади⁷.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлиги, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади. Соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Инсон қадри улуғланиб, «Давлат – инсон учун» деган эзгу ғоя ҳаётга жорий этилмоқда.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Конституциянинг муҳим қадриятлари сифатида ЖПКда кенгроқ акс этирилиши лозим. Суд ва тергов органлари фаолиятида фуқароларнинг қонуний манфаатлари муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилиб, амалиётда ушбу ҳуқуқларни таъминлаш механизмлари такомиллаштирилиши зарурлигини кўрсатди.

Суд-тергов органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, жиноят ишларини юритишнинг процессуал асосларини, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга доир қўйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Қонунбузарликлар учун жавобгарлик

Жиноят-процессуал қонунчилигининг муҳим қисми жиноятларнинг олдини олиш ва улар учун жавобгарликни таъминлашдир. Масалан, ЖК 234-моддаси (қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш)га асосан, шахс эркинлигининг ноқонуний равишда чекланиши жиноий жавобгарликка сабаб

⁷ Н.Д.Дониёрходжаева. Инсон қадри учун: Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислоҳотлар. <https://strategy.uz/index.php?news=1812>

бўлади. Ҳибсга олиш — шахснинг жиноят содир этишда гумон қилинган ҳолда қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиниши, далилларни йўқ қилиш ёки қочиб кетишнинг олдини олиш учун қўлланиладиган чора сифатида қайд этилади.

2. Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштириш

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини кучайтириш зарур. ЖПК 18-моддасининг биринчи қисмидаги умумий қоидаларни қуйидагича такомиллаштириш таклиф этилади:

"Жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт. Ушбу мансабдор шахслар томонидан процесс иштирокчиларига қонунда белгиланган шарт-шароитлар яратилиши ва уларнинг қонуний талаблари қондирилиши лозим."

Шунингдек, ЖПК 18-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

"Ҳеч кимнинг конституциявий ҳуқуқлари суд қарорига асосланмаган ҳолда чекланиши мумкин эмас. Жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий чеклайдиган процессуал ҳаракатлар фақат суд қарори асосида амалга оширилади."

3. Реабилитация ва зарарларни қоплаш механизми

Шахснинг жиноят иши юритиш жараёнида бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун самарали реабилитация тизими талаб этилади. Реабилитация тушунчасини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ:

"Реабилитация — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи шахснинг ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир. У қонунга зид равишда етказилган мулкӣ ва маънавий зарарларни давлат ҳисобидан қоплаш, шунингдек шахснинг бузилган ҳуқуқлари ва мавқеини қайта тиклашни ўз ичига олади."

4. Конституция нормаларининг амалиётда татбиқ этилиши

Конституциянинг инсон ҳуқуқларига оид нормалари жиноят-процессуал қонунчилигида тўлиқ ақс этиши керак. Масалан, Конституциянинг 13, 19, 25 ва 27-моддалари шахсий дахлсизлик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса-да, ЖПКда ушбу ҳуқуқлар етарли даражада қайд этилмаган.

ЖПКнинг 18-моддасида "дахлсизлик" тушунчаси аниқроқ баён этилиши, шунингдек, шахсий ҳаёт, турар жой ва мулк дахлсизлигини таъминлаш бўйича механизмлар кучайтирилиши лозим.

5. Мулкӣ ва маънавий зарарларни қоплаш

Жиноят ишларини юритиш жараёнида етказилган мулкӣ ва маънавий зарарларни қоплаш тартиби ягона терминология асосида белгиланиши зарур.

ЖПКда "маънавий зарар" ва "маънавий зиён" атамалари бир хилда қўлланилиши, шунингдек, бу масала Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 13-модда. 30.04.2023 йил. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. А.А.Матчанов Уголовно-процессуальные особенности гарантии обеспечения прав участников расследования в розыске скрывающихся преступников // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиқни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Респ. илмий-амалий конф. мат-лари – Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. – Б. 198.
3. Б.А.Саидов. Ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш. Диссертация иши. ИИВ Академияси, 100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68.
4. М.А.Садиков. Замонавий юридик амалиётда “legal tech”нинг ўрни ва роли. ҳуқуқий тадқиқотлар журнали | Журнал правовых исследований journal of law research №6 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-6>
5. Н.Д.Дониёрходжаева. Инсон қадри учун: Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислохотлар. <https://strategy.uz/index.php?news=1812>
6. Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. <https://uza.uz/uz>
7. Ўзбекистонда қийноққа солганлик ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби кучайтирилади. <https://daryo.uz/k/2017/11/30>